

ЖУКУК

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
15 апрел, чоршанба

14 (26)

Газета 1997 йил 27 августдан
чиқа бошлаган

КУН ТАРТИБИДА - ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ



Яқинда Тошкент вилояти прокуратураси биносида «Демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва Ўзбекистонда бошқарув тизимини такомиллаштириш» дастури бўйича «Инсон ҳуқуқлари ва прокуратура органлари фаолияти ҳақидаги халқаро нормалар» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинар ишларини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази директори, Лойиха миллий координатори, профессор Акмал Саидов очди. У ўз сўзида инсон ҳуқуқлари масаласи бугунги кунда Республикада катта эътибор берилмаётган долзарб мавзулардан бири эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг, дастурнинг техник маслаҳатчиси Н. Фароҳат, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий Марказ дирек-



торининг ўринбосари В. Исҳоқов, Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги ИСМИ директор ўринбосари Э. Норбўтаева, Олий Мажлис қошидаги амалдаги қонунлар Мониторинги институти бўлим бошлиғи Л. Қошинский ва қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини

ошириш маркази директори ўринбосари М. Ражабоваларнинг маърузалари тингланди. Маърузалар юзасидан қизгин мунозаралар бўлиб ўтди. Семинарда Тошкент вилояти прокурори Орипжон Холматов иштирок этди.
Суратларда: Семинардан лавҳалар.
Р.ШАРИПОВ суратлари.

Ҳикмат

Ҳаётда кимлардир ўзини харсангош ҳисоблайди, қонун эса ўша харсангни йўниб, инсонга айлантирадиган искана, пойтешадир.

Жаброн Ҳалил Жаброн.

Чоршанбадан-чоршанбагача

13 апрель куни Туркия Бош вазири Месут Йилмаз мамлакатимизга расмий ташриф билан келди. Шу куни «Дўрмон» қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Президент Ислам Каримов ва Бош Вазир Месут Йилмазнинг яқма-яқма суҳбати бўлди. Ислам Каримов ва Месут Йилмаз иштирокида икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари санацияси масалалари бўйича ҳуқуқат комиссияси ўзининг кенгайтирилган мажлисида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини санациялаш Қорақалпоғистон Республикасида ва ҳар бир вилоятда қандай бажарилаётганини батафсил кўриб чиқди. Комиссия мажлисида санация қилинаётган хўжаликларда баҳорги ишларнинг қандай амалга оширилаётгани ва меҳнатнинг ташкил этилишига катта эътибор берилди.

Ахборот

МАҲКУМЛАР МАНФААТИ ҲИМОЯДА

Инсон ҳаётининг ўзи бир жумбоқ. Ана шу жумбоқ ҳаётда адасмаган инсонни топиш қийин. Лекин, кўпчилик вақтида хатосини англаб етиб, ўз йўлини топиб кетади. Бозилар эса қаттиқ хато қилиб, қинғир ишлар қилади. Қинғир йўллар муқаррар жиноят кўчасига бошлайди. Жиноят эса ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Энди ўз-ўзидан савол туғилади. Жазонинг мақсади нима? Нима сабабдан жазони ўтаб чиққанларнинг айримлари яна жиноят қилишмоқда? Бу савол ҳаммамизни ҳам ташвишлантиради, албатта.

Жазонинг мақсади асосан, йўлдан адашган фуқароларни қайта тарбиялаб, тўғри йўлга солишдир. Лекин бугунги кунда жазони ўташ муассасалари ана шу масъулиятли вазифасини беважон одо этаётганими? Мазкур муассасалардаги ишларни яхшилаш учун нима ишлар қилиш керак?

Бу борада республикамизда кўпгина амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бошқармаси тизимидagi барча муассасалар бошлиқларининг тарбиявий ишлар бўйича муовинлари иштирокида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Семинар иштирокчилари ЖИЭБ тизимидagi жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, уларни қайта тарбиялаш борасида олиб борилаётган иш тажрибалари билан ўзаро ўртоқлашдилар.

Илмий-амалий анжуманда жазони ижро этиш муассасаларида қонунлар назорати бўйича

прокурор Б.Эрматов «Маҳкумлар манфаатини ҳимоя қилишда прокурор назорати» мавзусида маъруза қилди.

УМУММАДАНИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Қашқадарё вилоят прокуратурасида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури асосида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман «Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишда қонунни муҳофизо қилувчи идоралар ходимларининг вазифалари» мавзусига бағишланди.

Унда шаҳар, туман прокуратуралари, тергов органлари ходимлари, вилоят, шаҳар судлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда кун тартибидagi масала юзасидан вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Амир Янгибоев маъруза қилди. Воҳа тарихида ҳуқуқий маданият масаласининг ўрни ҳусусида Қарши Давлат университети профессори, профессор Поён Равшанов, «Ҳуқуқий маданият - умуммаданиятнинг таркибий қисми» мавзусида Ўзбекистон Езувчилар Уюшмаси вилоят бўлимининг раиси Шарофат Ашурова, «Суд ва ҳуқуқий маданият» мавзусида вилоят суди раисининг ўринбосари Ўткир Хонкелдиев маъруза қилдилар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Жомурод Жиловов, Қарши шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Одил Амиркулов, «Яккабоғ овози» туман газетаси муҳаррири Годоймурод Раҳматов маърузалар музокараси юзасидан сўзга чиқдилар. Анжуман сўнггида ҳуқуқий саводхонлик масаласида савол-жавоб ўтказилди.



Суратда: Байрам таътаналаридан лавҳалар. Р.ШАРИПОВ суратлари.

Ушбу сонда

КОРРУПЦИЯ ЕТКАЗГАН ИҚТИСОДИЙ ЗАРАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Б.Бекмирзаев билан суҳбат.

2-3

РАҲБАР ҚАЙҒУРМАСА...

Бошлиқлар эътиборидан четда қолган таъмирга муҳтож тарбия масканлари ҳақида ким бош қотиради

5

ҲУҚУҚДАН САБОҚЛАР

«Ҳуқуқ»нинг «Юридик маълумотхона» хизмати

7

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Қонун ҳимоясида» журнали

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари

БОШ МУҲАРРИР:

Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Асрор АҲМАДЖОНОВ

Дилшод ИСЛОМОВ

(масъул котиб)

Эркин ЙЎЛДОШЕВ

Мэлс НАЙМОВ

Орипжон ХОЛМАТОВ

Лола ШОМУРОВА

Бахтиёр НАЗАРОВ

(бош муҳаррир

ўринбосари)

Газета андозаси «Хуқуқ» газетаси компьютер марказида тайёрланди.

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фаркланиши мумкин. Газетадан кўчириб босилганда «Хуқуқ»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:

13-363-88, 13-382-34, 77-69-64.

Газета Тошкент вилоят матбуот бошқармаси томонидан №767 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси -41.

Нусхаси 18132 Буюртма Г- 011186 Қоғоз бичими - А-3. Баҳоси сотувда эркин нархда.

Навбатчи **О. БЕГАЛИЕВ**

Мусаҳҳих: **М. ДУСЯТРОВА**

Халқ мулки муқаддас

КОРРУПЦИЯ ЕТКАЗГАН

Мухбир: - Бурхон Бекмирзаевич, аввало бир нарсга аниқлик киритиб олсак: кейинги пайтда коррупция ҳақида кўп гапириладиган бўлиб қолди?

Бурхон БЕКМИРЗАЕВ: - Жавобни саволингизнинг ўзидан бошлашасан, масалага тўғри ёндошган бўламиз. Аввал - собиқ СССР даврида ҳақиқатдан ҳам коррупция ҳақида мутлоқо гапирилмаган. Коррупция социализмга ёт ҳодиса, бу капитализм иллати, деб тушунтириб келинган ва шу оқда билан жиноятнинг ушбу тури ҳар томонлама хас-пўшланган. Аслида социализм илдиларига болта урган иллатлардан бири коррупциядир. У Брежнев салтанатида томир ёйди. Гарбачёвнинг ошқоралик даврида кучга тўлиб, ўзининг нимага қодир эканлигини намойён этди. КПСС ҳўкмронлиги даврида «партия номенклатураси» очик-ошқора эътироф этилар эди. Номенклатура коррупциянинг айни ўзидир. Алал-оқибат бу номенклатуранинг ўзи коммунистик ғояларнинг инқирозига муносиб хиссасини кўшди. «Кейинги пайтда бизда коррупция ҳақида кўп гапирилаётганига» келсак, бу жамият қон томирига худди саратон касаллиги каби ёпишиб олган иллатга - коррупцияга қарши очик-ошқор уруш эълон қилингани билан боғлиқ масалодир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» китобидаги ушбу сўзларни яна бир бор ёдга олайлик:

«Ўзбекистонда, шубҳасиз, жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш чоралари кўрилмоқда, фош этилган коррупциячилар қаттиқ жазоланмоқда. Мамлакат ичидаги жиноятчилик доимо давлат томонидан қаттиқ назорат қилиб борилади. Жиноятчилик кенг авж олиб кетишига ва коррупциячилар домига илгинган амалдорларнинг бебошлигига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор узоқ муддатли чора-тадбирлар ишга солинган. Улар жиноятчиликка қарши кўраш стратегиямизни белгилаб беради».

Бу сатрлар мустақилликнинг илк давридаёқ эълон қилинган тараққиётнинг беш тамойили, улардан бири бўлиши мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш вазифаси билан ҳамохандир. Олий Мажлис сессияларида мамлакат миқёсида ўтказилган деярли барча ййгилишларда, ҳатто халқ депутатлари вилоят кенгашларининг ййинларида сўзлаган нутқларида ҳам Президентимиз ҳар доим қонунчилик масалаларига алоҳида тўхталиб, ҳуқуқий жамиятга, қонунларга амал қилиб яшашни халқимизнинг турмуш тарзига сингдириб юбориш орқалигина етишиш мумкинлигини тақрор ва тақрор таъкидлайдилар. Ҳозир мамлакатимиз ўтиш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори-нинг ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Бурхон БЕКМИРЗАЕВнинг «Хуқуқ» мухбири саволларига жавоблари.



даврини бошдан кечирмоқда. Гарбча таъбир билан айтганда, демократик шароитда яшашга босқичма-босқич кўникаялимиз. Шундай шароитда, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 февралдаги ййгилишида таъкидлаганларидек, қонунни ҳимоя қилувчиларнинг ўзлари пайнд берса, қатта ниятлар билан бошлаган улўғ ишларнинг тепасида турган раҳбарлар манфаатпарастлик ййлига ўтиб олсалар, бундан энг аввало, амалга ошираётган ислохотларимиз қатта зарар кўради. Ҳозирги шароитда - мустақилликнинг янги давоиларини эғаллаш учун шиддатли кўраш кетаётган пайтда бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам коррупцияга қарши кўраш айни пайтдаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Иккинчидан, биз социализм амал қилиб келган саморасиз, усқуртмадан воз кечиб, лекин «эски ўйини бирданга бузиб ташламасдан, босқичма-босқич бозор иқтисодиёти сари одимлаб бормоқдамиз. Тафаккур, онг, тушунчалар, қарашлар, муносабатлар тамомила бошқача ўзан бўйлаб ҳаракатланмоқда. Ахир илгарилари камбағал батрокнинг боласи бўлиш ифтихор белгиси саналар эди. Энди билсак, тўксис яшаш, бой бўлиш учун ҳам билим, савия, жўш қилиб айтганда, қалла керак экан. Ҳаммони сўнғий равишда тенглаштирадиган, қўлидаги тишандон бошқа ҳеч вақоси бўлмаган люмпен: пролетарликдан воз кечилиши билан жамиятдаги муносабатларда табиий равишда лойқаланиш, маълум маънода беқарорлик рўй берди. Бундай шароит салбий иллатларнинг, айни пайтда коррупциянинг жонланишига сабаб бўлди.

Мухбир: - Бурхон Бекмирзаевич, ушбу фикрларини мисоллар билан далиллаб берсангиз. Коррупция мустақиллик учун, янгилаётган жамиятимиз учун нечоғлиқ хавфли?

Бурхон БЕКМИРЗАЕВ: - Келинг, ҳақиқатнинг кўзига тик қаройлик. Президентимизнинг юқорида тилга олинган маърузасида таъкидлаганидек, «қўли пок бўлиши зарур бўлган ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзидан манфаатпарастлик, порахўрлик,

коррупция, айбдорларга ҳомийлик қилиш» каби иллатларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, прокуратура идораларида, қонунни ҳимоя қилиши керак бўлган даргоҳда кейинги пайтда қонун бузилиши билан боғлиқ 13 та жиноят содир этилган. Уларнинг ҳар бири маълум маънода коррупцияга ва порахўрликка долзарб жиноятлардир. Масъулиятсизлик, малакасизлик ёки ҳизмат вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлаётган прокуратура ходимлари, афсуски, ҳозир ҳам орамизда учраб турибди. Лекин, прокуратура тизимида қарор толган бу каби салбий ҳолатларга қатъият билан баҳо бериш ҳолатларини ҳам эътироф этмоқ даркор.

Иккинчидан, тақрор айтаман, бугунги кунда жиноятчиликнинг энг хавфли турига айланган коррупция масаласига янада жиддий эътибор қаратилаётганини Ўзбекистонда бу иллатнинг таъсир доираси бир оз бўлса-да, кучайганига, иқтисодиётни ўз исқанжасига киритишга бўлган интилишлари билан боғлиқ. Жиноятчилик ва коррупцияга қарши кўрашда янада кескин чора-тадбирлар кўриши тақозо этган омилардан яна бири кейинги йилларда маъсул ва мансабдор шахслар ҳамда ҳокимият органи вакиллари томонидан қасддан жиноят содир этиш ҳолларининг кўпайгани бўлди.

Мамлакатимиз ислохотларни чуқурлаштириш борасида улкан муваффақиятларни қўлга киритаётганини, бу борада Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ичида етакчилик қилаётганини, албатта, гўрур билан гапираримиз. Лекин, қанчалик ўкинчли бўлмасин, ўтиш даврида давлат ва хўжалик бошқарувининг турли бўғинларида, хусусан, молия-кредит, хусусийлаштириш, мулкчилик тўғрисидаги ва бошқа қатор қонунлар ижросида узилишлар рўй бераётганлиги, ишлаб чиқоришни ташкил этиш, меҳнат ва ички хўжалик муносабатлари усул ва йўллари ноконуний ўзгартириши, аниқроқ айтганда, давлат манфаатларига зиён етказиши, тараққиётга тўксинлик қилиш ҳолатлари тез-тез содир этилаётганлигини ҳам тан олишга мажбуримиз. Бундай қонунбузилишларнинг аксарияти давлат хизматидаги мансабдор шахслар томонидан амалга оширилаётганлиги эса янада ташвишлидир. Чўнки, Президентимиз айтиб ўтганларидек, жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан

чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод қилиши мумкин.

Коррупциянинг моҳияти давлат хизматчисининг жиноятчилардан улўксиз равишда ҳақ олиш эвазига уларга доимий хизмат кўрсатиши билан белгиланадиган бўлса, бундай ҳоллар кейинги вақтда бир мунча ортанлиги кузатишмоқда. Фақатгина 1997 йилнинг ўзида маъсул ва мансабдор шахслардан порахўрлиги учун 111 нафари, хизмат мавқенини суниестемол қилгани ва фарзли мақсадда фойдалангани учун 137, ноконуний равишда гиёвандлик моддалари сотиш билан шўғулланганликлари учун 6 нафари жиноий жавобгарликка тортилганлар. Охири икки йил давомида эса ҳокимият вакиллари билан боғлиқ 13 та жиноят иши қўзғатилган. Уларнинг аксарияти порахўрлик ёки давлат мулкни талон-тарож қилиш жиноятларидир.

Бу ҳақда илгарги ҳам гапирилган эди: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг тафтиш-назорат бошқармаси қатта инспектори М.Бекназаров аниқланган қонунбузарликларни ошқор қилмаслик учун 400 минг сўм пулни пора сифатида олаётганда ўшланиб, қамоққа олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган февраль ойидаги ййгилишида таассуф билан таъкидланганидек, давлатимиз хазинасини бойитишга бевосита маъсул бўлган солиқ идораси тизимида талай қонунбузарлик, порахўрлик жиноятларининг фош этилиши, божхона ходимларидан 76 кишининг жиноятга қўл уриши ҳақиқатдан ҳам бу соҳаларда ташвишланарли ҳолат юз берганлигини билдиради.

Яна бир мисол: Сирдарё вилоят ички ишлар бошқармаси коррупцияга қарши кўраш бошқармасининг собиқ ходими Х.Шарипов, Шароф Рашидов туманидаги Волков номи пахта тозалаш заводининг мансабдор ва моддий жавобгар шахси Р.Умаров ҳамда бошқалар (жамми 6 киши) ўзаро жиноий тил бириктириб, шу корхонанинг 500 минг сўмлик пахта толасини Қозғистон республикасига нақд пулга сотганида фош этилиб, қилмишига яраша жазога тортилдилар.

Мухбир: Қонун олдида барча баробар. Дарҳақиқат, умум манфаатидан ўз манфаатини юқори қўётган мансабдор шахслар ҳам қилмишларига яраша жавоб беришлари мукаррар? Шундай эмасми?

Бурхон Бекмирзаев - Ўз фаолиятларида йўл қўйган қонунбузарликлар учун 1996-1997 йиллар мобайнида республика прокуратураси томонидан 116 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди. Улардан уч нафари вазир, 26 киши эса республика

ИҚТИСОДИЙ ЗАРАР

(Бошланishi 2-бетда).

лика аҳамиятига эга бўлган корхона, концерт ва давлат кўминталаарининг раҳбарлари, 6 нафари эса вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларидир.

Бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан курашишга катта куч сафарбор этилаётган жиноят турларидан бири бу иқтисодийёт соҳасидаги қонунбузарликлардир. Албатта, бу жиноят кечагина пайдо бўлиб қолгани йўқ. Унинг илдиз ёйиши тоталитаризм ҳукмронлик қилган собиқ Иттифоқ даврига тўғри келса, гуллаб-яшнаши, уриб кетиши қизил империянинг таназзули билан боғлиқ. Собиқ Иттифоқ таркибидан бўлган республикалар иқтисодиётини емираётган, тараққиётга тўқинлик қилаётган асосий нарса ҳам иқтисодиётдаги жиноятлардир.

Нафақат бизда, балки ўтиш даврини бошидан кечираётган қўшни давлатларда ҳам слотхотлар жараёнини издан чиқариш учун мамлакатда бошбошдоқлик ва эгасизликка йўл қўйган кимсалар, асосан мансабдор ва раҳбар шахсларнинг ўзлари фўрсатдан фойдаланиб мол-дунё тўлашга рўжۇ қўймоқдалар ҳамда шу йўлда исталган қабилхликка қўл уришдан тап тортмаётдилар. Афсуски, масъуль вазифода турган айрим юрtdошларимизнинг бундай жиноятларни бошқа давлат вакиллари билан тил бириктирган ҳолда амалга ошираётганлиги ҳам аччиқ ҳақиқатдир.

Масалан, Сурхондарё вилоятидаги «Ўзсельхозснабремент» базаси директори А.Раҳматов «Данас» акционерлик жамияти бош директори М.Жандарбеков билан жинойи тил бириктириб, «Енисей - 1200Р» русумли комбайнлардан 100 дона, Т-4 А маркали тракторлардан ҳам шунча миқдорда харид қилиш тўғрисида 6 млн. 450 минг долларлик шартнома тузадилар. Текшириш жараёнида аниқланишича, шартномада қўрсатилган 100 та комбайн ўрнига атиги 10 дона олинган ва бу билан республикамиз манфаатига 3 млн. 600 минг АҚШ доллари миқдоридан зарар етказилган.

Сирдарё вилоятидаги «Сардоба» деҳқон-фермер хўжалиги жамияти раиси А.Тостанбеков бўлса, хизмат лавозимидан фойдаланиб, ҳеч бир ҳужжатсиз, қонунга хилоф равишда 6 дона пахта териш машинасини 24000 АҚШ доллари эвазига

қозогистонлик хўжалик раҳбарларига сотиб юбориб, давлатга 6 млн. сўмга яқин моддий зарар келтирган.

Биргина Сирдарё вилоятининг ўзидан ўтган йили 20,5 млн. сўмдан ошиқ товар моддий бойликлар Тожикистон ва Қозогистон республикаларига олиб чиқиб кетилаётганида ушлаб қолинди.

Термиз шаҳридаги ташки савдо фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик ҳисобидида «Сурхондарё облагопромуоюзи» фирмаси директори Б.Шоймардонов валюта учун ҳисоб рақами бўлмаса ҳам Вильнош шаҳридаги «Чехотекс» акционерлик жамияти раиси Е.Абрамова билан 2 минг тонна пахта толаси етказиб бериш бўйича контракт тузади. Унда етказиб берилган тола учун АҚШ долларида фирма кассасига нақд валюта тўлашга келишилган. Бўрибўй Шоймардонов шу асосда жами 72 минг долларни фирма ҳисобига крим қилмасдан ўзлаштириб юборди. Албатта, мансаб ваколатини суниетемол қилган директор тегишли жозага тортлиб, 20 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Бундай жиноятлар асосан корхона, ташкилот раҳбарларининг ходимларга нисбатан назоратни, сўсайтириб юборганликлари, мол-дунё тўплаш ниятида турли чет эл компаниялари ва хусусий фирмалари билан қонунга зид бўлган шартномалар тузишлари орқали содир этилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Масалан, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси раҳбариятининг назоратни бўшаштириб юборганидан фойдаланган айрим шахслар ҳужжатларни алмаштириб ва қалбакилаштириб, пахта тоаларни ортилган вагонларни сотиш билан шуғулланиб келганлар. Ва кейинги икки йилнинг йўлда ана шундай ноқонуний йўллар билан толасининг баҳоси 12 миллион 160 минг АҚШ долларига тенг бўлган 159 та вагон Ўзбекистон Республикасидан четга чиқарилиб, ўзлаштириб юборилган.

Давлат мулкани толон-торож қилиш, пул маблағларини бошқа мақсадларга сарфлаш ёки ўзлаштириш ҳоллари содир этилаётган яна бир соҳа юқорида ҳам қайд этганимиздек, молия ва банк тизимидир. Мазкур тизимда молия-кредит масалалари билан боғлиқ қонунбузарликларга ҳамон қатъий чек

қўйилганича йўқ. Соҳада юз бераётган жиноятларнинг вақтида ошкор бўлмастлигиндан ҳам кимлардир манфаатдор бўлаётганга ўхшайди. Масалан, Алоқа вазирлигида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган О.Жумаев итисослаштирилган пайчилик тижорат «Алоқабанкидан» вазирликка мутлақо алоқаси бўлмаган хусусий корхоналарнинг кредит олишлариға ёрдамлашиб келган ва бундай ноқонуний фаолияти оқибатида вазирликка 28 миллион 627 минг 116 сўм миқдоридан моддий зарар етказибгина қолмай, нархи 1 миллион 150 минг сўмлик 9 дона компьютерни ҳам ўзлаштириб юборган.

Мухбир: - Мамлакатимизда юритилаётган сиёсатни амалга оширишга қаратилган ҳар қандай қонун ва қарорлар қатъий, аниқ бажарилиши ўта муҳимдир. Бозор иқтисодиётига ўтишининг ва мулкдорлар синфини вужудга келтиришининг асосий воситаларидан бири - хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва тадбиркорликка қаратилган қонунчилик ижроси ҳам худди шундай муносабат талаб этади.

Бурхон Бекирзаев: - Лекин, таассуфки, бу борада ҳам қонунни четлаб ўтиш, қўзбўямачилик, порахўрлик иллатлари овж олган. Ўтган йилнинг ўзидагина ҳокимлар ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарларининг хусусийлаштириш билан боғлиқ 202 та ноқонуний ҳуқуқий актлари прокурорларнинг протестлари билан бекор қилинганлиги, уларга қонунбузарликларни бартараф этиш хусусида 441 та амрнома берилгани ва 382 та тақдимнома киритилгани, 367 нафар мансабдор шахс оғолантирилганлиги ҳамда 500 нафарга яқини интизомий, маъмурий, моддий жавобгарликка тортилгани, 44 та жинойи иш қўзғатилиб, 34 нафар шахсининг қамалиб кетганиги мазкур тизимда оҳвол қанақалигини рўй-рост кўрсатиб турибди.

Хусусийлаштирилаётган мулкнинг нархини белгилашда ҳақиқий баҳонини қамайтириш, таниш-билишчилик ҳоллари кетма-кет содир этилмоқда. Навоий вилоятидаги «Нон хўжалиги» ҳиссадорлик жамияти раҳбари хусусийлаштирилаётган объектнинг нархини 110 минг сўмга қамайтирган. Чирчиқ шаҳридаги баланс нархи 324 минг сўм бўлган «Октябрь» кинотеатри бўлса, директор томонидан хусусий фирмага бор-йўғи 10 минг сўмга сотилган. Нукус шаҳридаги

«Промпалати» ҳиссадорлик жамияти раҳбари мансабини суниетемол қилган ҳолда ГАЗ-24 автомашинасини 3000 сўмга хусусийлаштириб олган. Термиз туманидаги «Дўстлик» кинотеатри эса 3 кишилик таркибда акционерлик жамиятига айланттирилганлигини нима билан изоҳлашни ҳам билмайсан, киши.

Маълумки, мамлакатдаги ижтимоий барқарорликнинг энг муҳим омилларидан бири бу ишсизлик муаммосини ҳал этишдир. Янги иш жойларини ташкил этиш учун давлат томонидан катта миқдорда маблағ ажратилаётган мазкур йўналишга ҳам уюшган жиноятчиларнинг қўли етиб борган. Бандлик хизматлари ҳисобидида 500 млн. сўмдан ортиқ маблағнинг толон-торож қилиб юборилганлиги фикримизнинг тасдиғидир. Фақат Республика прокуратурасининг қатъий назорати остида бу маблағларнинг 200 млн. сўми жойига қайтариб қўйилди. Навоий вилоятида - 40 млн., Бухорода - 12 млн., Самарқандда - 36 млн. ҳамда Қашқадарё вилоятида 19 млн. сўмлик ишсизлик муаммоларини бартараф этишга йўналтирилган кредитларни қайтармаган корхона-ташкилотлар тўғаб кетганлиги аниқланди. Ҳозир Республика прокуратураси қолган маблағларни ҳам жойига қайтариш, бу пуллардан қўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш ва жиноятчиларни тегишли жозага тортиш чоралари кўрилмади.

Ишсизларнинг иш билан тоъминланганлиги хусусида сохта ҳужжатлар тайёрлаш ва шу мақсадга йўналтирилган маблағларни ўзлаштиришининг ўнлаб қўринишлари Ташкент шаҳрида, Ташкент, Сирдарё, Навоий вилоятларида овж олганлиги вилоят ҳокимлари, Меҳнат вазирлигидаги мутасадди ўртоқларни хушёрликка қоқариши лозим. Бундай ҳолатлар, тақдор бўлсада айтиш жоизки, мамлакатнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатапти. Буни эътиборга олган ҳолда, вазирликлар, ҳокимлар, корхона-ташкилотлар раҳбарлари юқоридидаги масалаларга давлат манфаатлари нўқтаи-назоратдан жиғдий ёндашмоқлари шарт.

Президентимиз таъкидлаганларидек, бизнинг жамиятимизда қонун бошқарувининг асосий ва кўп-қиррали воситасига айланиши зарур.

Мухбир: - Ушбу суҳбатга тайёрланиш жараёнида айрим маълум

мотиомалар билан танишиб, очиги, ҳайрон қолдим. «Кўхон ёғмоёй» ҳиссадорлик жамиятининг собиқ директори Й.Азизов ва ундан «эстафетани қабул қилиб олган» М.Фуломовлар (жами 14 шахс) уч йил давомида яқин 28 миллион сўмлик кунжарани талон-тарож йўли билан сотиб юборганлар. Ёки Фарғона «Нефтьмаҳсулотлари» базасининг директори Р.Қаҳқоров ўз ҳамтовоклари билан атиги ўн ой ичида 1 млн. 600 минг сўмликдан ошиқ ёқилғи-мойлаш материалларини ўғирлашган. Бу мисоллар ва юқорида сиз келтирган фактлардан коррупциянинг таъсир доираси ўн миллион сўмлар билан ўлчанаётгани ва бу ёш давлатимиз учун қиндан ҳам ташишланарли эканлиги кўзга ташланади.

Бурхон БЕКМИРЗАЕВ: - Шунинг учун Президентимиз бу ҳақда қўйинчаклик билан гапириб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари олдиға коррупцияга қарши қатъийат билан кураш олиб бориш вазифасини қўймоқда. Ҳукуматимиз томонидан бу каби салбий иллатларни томири билан қўпориб ташлаш учун муҳим дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Мен ўтган 1997 йилда қабул қилинган «Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш», «Қадрлар тайёрлаш» ва «Миллий хавфсизлик тўғрисидаги давлат дастурларини назарда тутмоқдаман. Аҳолиси ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлган мамлакатда коррупциянинг яшашни ниҳоятда қийин бўлиб қолиши ўз-ўзидан тушуноқлидир.

Давлатимиз ва жамиятимиз хавфсизлигиға дахлдор масалалар ва жиноятчиликнинг ҳар қандай қўринишларига қарши кураш вазифалари акс этган Миллий хавфсизлик тўғрисидаги Дастурнинг аҳамиятини, менимча, алоҳида изоҳлаш шарт эмас.

Не бахтки, қарама-қарши ўлароқ, жамиятимизда соғлом этик қодли, мустақиллик манфаатларига садоқат билан хизмат қилувчи дурқун бир авлод ўлгаймоқда. Бу авлод давлат бошқаруви ва иқтисодиётимиз тузилмаларига шиддат билан кириб бормоқда.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан, прокуратура ҳам ўз сафларини ҳар жиҳатдан етук шундай кадрлар билан изчил равишда мустаҳкамлаб бормоқда.

Сиз билан биз ана шу тарихий жараёнларнинг бевосита иштирокчилари соғида яшаётганлигимиз ва хизмат қилаётганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзидий.

Суҳбатдош:
Дилшод ИСЛОМОВ.

Корақалпоқ томонларда

«ОИЛА КОДЕКСИ» ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАДА

Нукус шаҳридаги олий ва ўрта махсус ўқув юрtdларидан умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган «Оила кодекси» лойиҳаси ўқиб-ўрганилмоқда. Нукус Давлат педагогика институтидан бўлиб ўтган учрашувда ҳам мазкур ҳужжат лойиҳаси муҳокама этилди. Унда Нукус шаҳар прокурори А.Низонов оилани мустаҳкамлашда «Оила кодекси» лойиҳасининг ўрни ҳақида маъруза қилди. Лойиҳа ҳақидаги муҳокамалар

шаҳардаги тиббиёт ва педагогика билим юрtdларида, политехника коллежидан ҳам бўлиб ўтди.

ДАСТУР АМАЛДА

1998 йилнинг Оила йили, деб аталishi муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан бир қанча тадбирлар белгиляниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Республика хотин-қизлар қўмитаси, фахрийлар кенгаши ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда

«Аёл ва оила» дастури ишлаб чиқилиб, йирик саноат корхоналарида, билим масканлари ва бошқа жамоат жойларида учрашувлар, кечалар ташкил этилмоқда.

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Қорақалпоғистондаги йирик саноат корхоналаридан бири - «КАТЕКС» тўқимачилик мажмуида турли миллат вакиллари аҳил меҳнат қиладилар. Уларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Яқинда Нукус шаҳар прокуратураси ходимлари томони-

дан бу ерда ўтказилган тадбир хотин-қизлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишга тилишланди.

Учрашувда шаҳар прокурорининг ўринбосари М. Исмаилов, прокурор ёрдамчиси Е.Бозорбоевлар сўзга чиқиб, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва оиладаги ўрни хусусида тўхтадилар ҳамда йиғилганларни қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

А. ОРТИҚБОЕВ,
«Хуқуқ» мухбири.

«Хуқуқ»га жавоб берадилар

«Хуқуқ» газетаси баш мухоррири номига Жиззах шаҳрида яшовчи фуқара Ирмат Ҳасановдан шикоят хати келган эди. У ўз хатида 1996 йил май ойидан бошлаб Жиззах вилоят фавқулодда вазиетлар бошқармасида катта навбатчи вазифасида ишлаб келганлигини, ўша йили октябрь ойида

бошқарма бошлиғи буйруғи билан ишдан ноҳақ бўшатирилганини баён этиб, ўз ҳуқуқини тиклаш борасида ёрдам кўрсатишни сўраган эди. Ушбу аризома юзасидан Республика прокуратураси томонидан ўтказилган текширув натижасини кўйида эълон қилмоқдамиз.

«ҚАЧОНГАЧА ТУРТКИ КЕРАК?!»

«Хуқуқ», 1998 йил, 11 март

«Хуқуқ» газетасининг 1998 йил 11 март сонида эълон қилинган «Қачонгача туртки керак?» мақоласи «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1998 йил 13 мартда бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинди.

ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШГА АСОС ЙЎҚ

Фуқаро И. Ҳасановнинг аризаси текширилди. Аникланишча, Жиззах шаҳор судининг 20.01.98 йилдоғи ҳал қилув қарори билан, И. Ҳасановнинг Жиззах вилоят фавқулодда вазиетлар бошқармасига нисбатан ишга тиклаш ва ноилжақидан бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундирилиши ҳақидаги даъво аризаси род этилган.

Ушбу қарор Жиззах вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, 12.02.98 йилги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш материалларидан кўринишича, И. Ҳасанов Жиззах вилоятининг фавқулодда вазиетлар бошқармасида 1996 йил май ойидан бошлаб тежор навбатчи вазифасида ишлаб келган ва 14.10.96 йилда 53-сонли бўйруққа кўра, Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 3-бандига асосан, меҳнат вазифасини мунтазам равишда бузганлиги учун ишдан бўшатирилган.

Фавқулодда вазиетлар вазирлигининг телефонограммасига асосан, 1996 йилнинг 25 августидан 5 сентябригача Жиззах вилоят фавқулодда вазиетлар бошқармасида ўқув машғулотни ўтказишни сабабли, 01.09.96 йилда бу ҳақда И.Ҳасанов хабардор бўлган бўлишига қарамай, сабабсиз ишга келмаган ва бу ҳатти-ҳаракати учун унга бошқарма бошлиғининг 02.09.96 йилдоғи буйруғи билан «хайфсан» эълон қилинган.

Шунингдек, 18.09.96 йилда И. Ҳасанов тақроран интизомсизлик қилиб, бошқармага кириш жойидаги бошқарув пунктига бегона одам кириши ман этилган бўлса-да, кириш ҳуқуқига эга бўлганга, ишламоётган Холбоевни киритган. Езма рўйхат бошқарманинг кириш жойига илиб қўйилганлигидан даъвогар хабардор бўла туриб, бошқармада ишламоётган одами бошқарув пунктига киритганлиги меҳнат интизомини бузиш, деб ҳисобланади.

Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 3-бандига ҳодимнинг меҳнат вазифасини мунтазам равишда бузганлиги унинг муқаддам интизомий жавобгарликка тортилганлиги сабаб бўлиши кўрсатилган.

И.Ҳасановнинг 02.09.1996 йилда «хайфсан» интизомий жазоси олганлиги учун унинг иккинчи марта меҳнат интизомини бузишига меҳнат вазифасини мунтазам равишда бузиш, деб қаралади.

Шу сабабли, И. Ҳасанов билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 3-бандига асосан бекор қилиш ҳақидаги 14.10.1996 йилдоғи 53-сонли буйруғи қонун талаблари асосида чиқарилган.

Юқоридагиларга кўра, Республика прокуратураси ушбу фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган суд қарорлари билан келишиб, протест келтириш учун асос топмади.

Б. ПУЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бosh прокурорининг
ўринбосари вазифасини бажарувчи,
3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси.

Шаҳорнинг иссиқлик энергияси истеъмолчилари бўлган кўп сонли корхоналарнинг оғир молиявий аҳоли шунга олиб келди-ки, бирлашма бўйича 1998 йилнинг 1 январига келиб дебиторлик қарзлари 2810 миллион сўмни ташкил қилди.

Истеъмолчиларини узлуксиз равишда иссиқлик билан таъминлашдан иборат ўзининг асосий вазифасини бажариш билан бирга, бирлашма дебиторлар билан ҳам мунтазам иш олиб бормоқда. Тартибли равишда ишбос-китобларни солиштириш ишлари олиб борилмоқда, талабномалар йўлланмоқда, дебиторлар ташаббуси билан берилаётган қарзлари масалалари шаҳар ва туман ҳокимликларида кўтарилмоқда, ишга оид ҳужжатлар ҳужалик судлари юборилмоқда. Шу жумладан, мулкни ундириш ҳақидаги мурожаатномалар расмийлаштирилмоқда.

Шунингдек, 1997 йилда қарзлари бор бўлган истеъмолчилар бўйича 1168 миллион сўм миқдоридоғи 946 та талабнома юборилди. 344 та талабнома бўйича ҳар бири билан якка-якка олиб борилган ишлар натижаси ўлароқ, 162 мил-

лион сўм миқдоридоғи қарз дебиторлар томонидан ихтиёрий равишда тўланди.

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳўжалик судларига 167 миллион сўм миқдоридоғи 77 та даъво аризалари юборилган бўлиб, 31 даъво аризаси бўйича бирлашма фойдасига 60,9 миллион сўм ундириш ҳақида қарор чиқарилди, 25 даъво бўйича истеъмолчилар ишлари судда кўрилувга қадар 28,9 миллион сўмдан иборат қарзларини тўладилар, уч корхонанинг мулкни ундириш ҳақида мурожаатнома расмийлаштирилди.

Бирок, суд қарори чиқарилган қарзларнинг кўпгина қисми қарздор корхоналар ҳисоб рақамларида маблағ йўқлиги боис бирлашмага тўланмади. Шунга қарамастан, бирлашма дебиторлик қарзларни ундириш борасидаги ишларни давом эттирмоқда. Масалан, «Электротраш» ҳиссадорлик жамиятининг 25 миллион сўмлик мулкни ундириш бўйича суд мажлиси белгиланган.

Бюджет ташкилотлардан дебиторлик қарзларни ундириш масаласи ҳукуматимиз томонидан ўзаро ҳисоблашни йўли билан ҳал қилинмоқда.

Кўрилган чора-тадбирларга қарамай, дебиторлик қарзлари юқорилигича қолмоқда.

1998 йилда бирлашма қарздорларга нисбатан каттиқроқ чораларни кўришга мажбур. Улардан баъзиларига (турар жойлар, ўқув ва тиббиёт муассасаларидан ташқари) олдиндан эслатмалар юбориш йўли билан иссиқлик бериш тўхтатилган.

Бирлашма раҳбарлиги томонидан ташкилий ҳусусдаги чора-тадбирлар ҳам кўрилган. Туман бошқармаларининг миқозлар билан ишлаш хизмати муҳандис-техник ҳодимлар билан тўлдирилди, туман бошқармалари компьютерлар билан жиҳозланди, миқозлардан тушадиган маблағлар тўпланадиган эгалик ҳисоб-рақамлари очилди-ки, бу ўз навбатида берилган иссиқлик ва иссиқлик энергиясидан фойдаланганлик учун олиндоган маблағ-ларни ҳисобга олиш ишларини аниқроқ ташкил этиш имконини беради.

«Тошиссиққуввати» бирлашмаси бундан кейин ҳам дебиторлик қарзларини янада қўпроқ қамқайтириш учун имкон борида чора-тадбирларни кўраверади.

Л. КОСТИН,
Бosh директор.

Тажриба алмашиш - самарали йўл

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда прокурорлик фаолиятининг асосий ўналишларидан бири - судларда - жиноят ишлари кўрилушида давлат айбловини қувватлаш эканлиги таъкидланган. Айблов нутқлари етарли даражада юқори малакага эга қувватланган мақсадга мувофиқдир. Чўнки, прокурорларнинг айблов нутқлари, аввало, жиноятчиликка қарши курашнинг, қолaversа, жиноят ишлари бўйича қабул қилинган суд қарорларининг қонунийлигига реал таъсир қилишнинг асосий воситасидир.


Замон ва қонун талабларига жавоб берадиган айблов нутқларини тайёрлашда намунали айблов нутқларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, 1996 йил «Энг яхши давлат айбловчилар» кўрик танлови ўтказилди. Танловда энг яхши, деб топилган айблов нутқлари намуналари эса хизматда фойдаланиш учун тўплам тарзида нашр этилди.

Мазкур тўпладан жой олган намунали айблов нутқларидан бирини ҳўқмингизга хавола қилмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 2-қисми «б» банди, 127-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан айбланган М.Миржалиловнинг, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 2-қисми «б», «в» бандлари билан айбланган Ж.Самадов ва Б.Ҳакимовларнинг жиноят иш бўйича Кибрай туман прокурори ўринбосари С.Орипов томонидан тайёрланган айблов фикри эътиборини қисқа, лўнда ва аниқ баён этилганлиги билан эътиборни тортади.

Дастлабки тергов ва суд маж-

лисида аникланишича, судланувчи М.Миржалилов 1981 йилда Тошкент вилояти, Кибрай тумани суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 114-моддаси 3-қисми билан судланган. Бундан тўғри хулоса чиқармаган М.Миржалилов вояга етмаган, 1978 йилда туялган Ж.Самадов ва Б.Ҳакимовларни ўзининг қинғир йўлига етаклаб,



таклиф қилган. Лекин, Ж.Самадов Тўғрун аконинг ночор яшашини айтиб, уни инсофга чақиради. М.Миржалилов ўғирлашга «б» жойини шеригидан сўраб-суриштиришда давом этгани ва ниҳоят улар, юқорида келтирилган манзилга - М.Ташпўлатовнинг хонадонига ўғирликка тушишга келишиб оилашди. Ўғирлик режалаштирилмоқда яна битта шерик

етақлаб, кўздан гойиб бўлади. «Шоғирдлари уни дўшонба куни, гўрхури тўрт бўлиб кутсалор-да, «шефдан дарак бўлмаган.

Судланувчиларнинг айби жаҳриланувчининг ва бошқаларнинг кўрсатмалари ҳақда ишдоғи юзлаштириш баённомалари ва бошқа ҳужжатлар орқали ўз исботини топди.

Судланувчиларнинг содир этган жиноятига юридик баҳо беришда уларга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда судланувчи М.Миржалиловнинг айбига умуман иқдор бўлмаганлигини, муқаддам ўғирлик билан судланганлигини, жиноятни маст ҳолда, гуруҳ бўлиб, олдиндан жиний тил бириктириб содир этганлигини жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат, деб топиш ҳақда айби енгиллаштирувчи ҳолатлар йўқ, деб ҳисоблаш лозимлиги айблов нутқидоғи прокурор томонидан сўралган.

Судланувчилар Ж.Самадов ва Б.Ҳакимовларнинг айбларини енгиллаштирувчи ҳолатлар - айбларга тўлиқ иқдорликлари, чин қўнгилдан пушаймонликлари, жиний очилш учун фал ёрдам берганликлари, уларнинг вояга етмаганликлари ва етказилган

ззар ихтиёрий равишда тўланганлигидоғи. Оғирлаштирувчи ҳолатлар эса маст ҳолда ва гуруҳ бўлиб жинийотни содир этганликларидир. Юқорида кўрсатилганларга асосланиб, судланувчи М.Миржалиловни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 2-қисми «б», «в» бандлари, 127-моддаси 3-қисми «б» банди билан айбдор деб топиб, Жиноят Кодексининг 59-моддасига асосан, муддати ўн йилга озодликдан маҳрум қилишни, мол-мулкни давлат фойдасига мусодаларга қилиб, жазони каттиқ режимида колонияларда ўташни белгилашни сўраган. Судланувчи Ж.Самадов ва Б.Ҳакимовларни эса ҳар бирини муддати уч йилдан охлоқ тузатиш иши жазосига ва ойлк моошидан 30 фоиз ушлаб қолиш шарти билан, жазони ҳўқмини ижро этувчи органлар тайинланган жойларда ўташни белгилаш ҳақда бу судланувчиларга нисбатан қўлланилаётган эҳтиёт чораларни ўзгартириб, уларни суд залидан озод қилиш прокурор томонидан сўралган.

Кибрай тумани прокурори ўринбосари С.Ориповнинг мазкур жиний иш бўйича бўлиб ўтган суд мажлисидаги давлат айблов нутқининг қисқача мазмуни шундоғи. Мақсадимиз - прокуратура соҳасида фаолият кўрсатётган мутахассисларимизга ёрдам сифатида намунали, деб топилган ушбу нутқни етказиш ҳақда мутахассисларнинг мазкур йўналишдаги фикр-мулоҳазаларини билмоқдир.

Асрор АҲМАДЖОНОВ,
Тошкент вилоят
прокурорининг катта ёрдамчиси.

У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

оғир жиноятга қўл ўрган. У 1995 йил 4 ноябрдан 5 ноябрга ўтар кечас маст ҳолда Самадов ва Ҳакимовлар билан олдиндан жиний тил бириктириб, Кибрай туман, Байтўғрун қишлоқ кенгаши Гўлзор кўчаси, 27-уйда яшовчи М.Ташпўлатовга қарашли бўқони ўғирлаган.

Судланувчи ўз айбларига иқдор бўлмади. Лекин, унинг айблари кўйидаги далиллар асосида ўз исботини топди. Ж.Самадовнинг судда даъво кўргазмасига кўра, 1995 йил октябрда Самадов М.Миржалилов билан далолада ўчрашиб, танишиб қолган. Миржалилов далолада ўтлаб юрган қўйларнинг қимминики эканлигини Самадовдан сўраган. Ж.Самадов бу қўйлар маҳалладоғи Тўғрун акага қарашли эканлигини айтган. М.Миржалилов қўйларни биргаликда ўғирлашни

Тайинловлар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 17 мартдаги буйруғи билан адлия катта маслохатчиси

Оттабек Сиддиқович ФУЗАИЛОВ Тошкент шаҳар Шайхонтоқур туман прокурори лавозимига тайинланди.

О.Фузайлов 1956 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос. Меҳнат фаолиятини 1978 йилда Чилонзор туман адвокатлар маслохатхонасида адвокатликдан бошлаган. 1982 йилдан Тошкент вилояти Пискент тумани прокуратурасининг терговчиси, 1986 йилдан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори, 1988 йилдан Республика прокуратурасининг тергов бошқармаси прокурори, 1990 йилдан Ўзбекистон Республикаси прокурорининг ёрдамчиси, 1994 йилдан Республика прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари ва бошқарма бошлиғи лавозимларида ишлаб келган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 17 мартдаги буйруғи билан

Мэлс Восиқович МАННОНОВ Тошкент шаҳар Миробод тумани прокурори лавозимига тайинланди.

М.Маннонов 1951 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос. Прокуратура идораларида 1975 йилдан иш ўрганувчи, терговчи, бўлим прокурори, Ўзбекистон Республикаси прокурорининг ёрдамчиси, Республика прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи, прокурорнинг катта ёрдамчиси, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи, 1992 йилдан Сирғали тумани прокурори, 1997 йилдан Бектемир тумани прокурори лавозимларида ишлаб келган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 17 мартдаги буйруғи билан адлия маслохатчиси

Музаффар Юнусович ХУЖАЕВ Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман прокурори лавозимига тайинланди.

М.Хужаев 1961 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос. Меҳнат фаолиятини 1984 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди катта консультанти сифатида бошлаган. 1985 йилдан Тошкент шаҳар туман прокуратураси идораларида иш ўрганувчи, прокурор ёрдамчиси, прокурор ўринбосари, 1991 йилдан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи, 1993 йилдан Тошкент шаҳар Миробод тумани прокурори лавозимларида ишлаб келган.



Муаммо

Мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишлари учун ҳамма шароитлар яратилмоқда. Аммо, пойтахтимизнинг барча туманларида «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги ҳамда вояга етмаганларга оид қонунлар тўлиқ бажарилмапти, деб бўлмайди. Бу ҳолни Бектемир, Сирғали ва Юнусобод туманларидаги шу соҳа мутассаддиларининг фаолиятларида ҳам билса бўлади.

лардан маълум бўлдики, туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқмапти. Масалан, ота-оналардан тушган бир арзидан 7-синф ўқувчисининг тутанок касали борлиғи кўрсатилган. Шикоятчилар уни шифокорлар иштирокида кўриқдан ўтказишни сўрашган. Аммо, соғлиқни

РАҲБАР ҚАЙҒУРМАСА...

Шаҳар прокуратурасининг вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар устидан назорат бўлими бир неча туманлардаги мактаб, боғча, болалар уйлари ва болалар поликлиникаларидаги шариоитларни текширди. Шу аснода Бектемир туманидаги марказий оилавий шифохонанинг иши ҳам кўздан кечирилди. 570-болалар боғчасининг фаолияти ўрганилганда, биринчи навбатда, муассасанинг ўзи таъмирга муҳтож эканлиғи маълум бўлди. Бинонинг кир ювиш хонаси, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш оғмири, тиббий хизмат кўрсатиш хоналари талабдорларга жасдида эмаслиғи аниқланди. Тиббий хизмат хонасида ҳеч қандай тиббий ҳужжатга эга бўлмаган шахснинг ишлаётгани кишини ажаблантирди. Етарли маълумотга эга бўлмаган ҳамшира тарбияланувчиларга бериладиган таомларнинг сифатини ҳам наряддан-бери назорат қилишга кўнглик қолган. Бундан ташқари, боғчанинг санитария ҳолатини қўйд қилиб борадиган дафтери ҳам йўқ.

Тумандаги 574-болалар боғчасидаги шариоит ҳам юқоридagi даражада қолмаган. Бу ерда ҳатто, тарбияланувчилар учун ўйинчоқлар, қроватлар, ўрин-ўшаклар етишмапти. Санитария қондаларига зид ҳолатлар эса боғча раҳбарларининг парвояига ҳам келмаган. Кир ювиш машинаси ишламайди. Озиқ-овқатлар сақлонадиган жой ҳам санитария қондаларига жавоб бермайди. Бир сўз билан айтганда, боғча эгасиз қолгандай.

1300 нафар ўғал-қиз таълим-тарбия олаётган 290-ўрта мактабдаги камчиликларни ҳам санаб санаюрга етолмайсан киши. Ачинарлиси, ўқувчиларнинг соғлигини доимо назорат қилиб турадиган шифокор ажратилмаган. Кўпгина синфхоналардаги ёриткичлар ҳам ишдан чиққан. Шунга ўхшаш ҳолларни тумандаги 291-мактабда ҳам учратдик. Ҳақиқат савол туғилади: бу мактабларнинг директорлари нима ишлар билан машғул бўлишадиган? Наҳотки, ишга совокчилик шу даражага етиб борадими?

Сирғали туманида ҳам айрим боғча тарбияланувчилари учун ҳамма шариоит мўҳайё, деб бўлмайди. Текширишда шу нарса маълум бўлдики, тумандаги 69, 594, 402-болалар боғчаларидаги аҳоли талаб даражасида бўлмаганли сабабли туман санитария-эпидемиология станцияси томонидан ёпиб қўйилган. Ота-оналар дардини кимга айтишни билмайди. Уларга на туман ҳокимлиги, на ҳалқ таълими бўлими раҳбарлари жавоб беради.

Прокуратура томонидан фаолияти ўрганилган тумандаги 267-ўрта мактаб эски бинода жойлашганига қарамай, 610 нафар ўқувчини ўз бағрига олган. Бу мактаб ҳам қатор камчиликлардан холи эмас. Мактабда жисмоний тарбия хонаси йўқ. Тўғриси, пойтахтимиздаги мактабда жисмоний тарбия хонасининг йўқлиғига узок қишлоқдаги ўқувчиларни ҳам ишонтириш қийин. Бинонинг поли, шифти, ёзув доскалари таъмирланганга муҳтож. Синфлардаги кўпгина парталар ўз хизматини ўтаб бўлган. Оталари ўтириб таҳсил олган парталарда болалари дарс ўқиётган бўлса, ажаб эмас.

Шунингдек, тумандаги 269-ўрта мактабдаги шариоитдан ҳам кишининг кўнгли ранжийди. Мактабда овқатланиш жойи, жисмоний тарбия дарслари ўтатиладиган хоналар йўқ. Тиббий хизмат кўрсатиш хонасида эса зарур буюмларни топиш амри маҳол.

Текширишда туманнинг 300, 305-ўрта мактабларида ҳам ана шундай камчиликлар аниқланди. Ҳўш, бу муаммоларни ким ҳал қилади? Туман ҳалқ таълими бўлимидагилар қимдан мадод куттишапти?

Мактабча тарбия муассасаларида камчилик кўп, аммо муаммоларни ҳал қилишни на ташкилдор раҳбарлари, на оталик қороналор ўйлаб кўради. Биргина тумандаги 590-болалар боғчасидаги ҳолатни айтиб ўтадик: боласиз, айрим хоналарда ёриткич ишламайди, гуруҳлардаги ўриндиклар, мебеллар, ўйинчоқлар яроқ-сиз ҳолга келиб бўлган.

Бундай ҳолга 363-болалар боғчасида ҳам дуч келдик.

Тумандаги болалар поликлиникалари 59,9 минг ўсмирга тиббий ёрдам кўрсатади. Текширишлардан маълум бўлдики, туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқмапти. Масалан, ота-оналардан тушган бир арзидан 7-синф ўқувчисининг тутанок касали борлиғи кўрсатилган. Шикоятчилар уни шифокорлар иштирокида кўриқдан ўтказишни сўрашган. Аммо, соғлиқни

Юнусобод тумани ҳам пойтахтимизнинг оқоли гавжум ҳудудларидан. Бу туманда ҳам вояга етмаганларга оид қонунлар жўрриси юзасидан текширишлар ўтказилганда, айрим болалар боғчалари, мактаблар, болалар уйлари ва болаларга тиббий хизмат кўрсатадиган поликлиникаларда кўпгина камчиликлар ва муаммолар пайдо бўлганлиги аниқланди. Текшириш ўтказилган 113-ўрта мактабда ўқитиш 3-сменга ажратилган, боз устига дарс жадваллари ҳам нотўғри тузилган. Билим масканининг кўпгина хоналарида парталар яроқсиз аҳолига келиб қолган. Ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ҳам яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Бундай ҳолни туманнинг бошқа мактабларида ҳам қузатиш мумкин. 99-болалар боғчасининг қанализация қувурлари ва сув келадиган шахобчаси шахорнинг марказий тармоғига уланмаган. Энг ачинарлиси, бу боғчада ҳам шифокорлар томонидан болаларни соғломлаштиришга қаратилган ишлар олиб борилмапти. Тарбияланувчиларга бериладиган таомларнинг сифати ҳам ҳамшира томонидан назоратга олинмаган. Бундай камчиликлар 30, 201-болалар боғчасида ўтказилган текширишларда ҳам аниқланди.

Туман ҳалқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари юқорида келтирилган камчиликларини била туриб ҳаспўлаб келишган.

Учрашув

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Яқинда Ҳамза туман прокуратураси ходимларининг туманга қарашли 3 та маҳалла аҳли билан учрашуви уюштирилди. Унда Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи А.Ҳамедов, Ҳамза туман прокурори А.Худойқулов, прокурор ўринбосари К.Ғуломов, туман ИИБ бўлими бошлиғи ўринбосари Б.Алиқонов, туман суди раисаси У.Имомжонова, туман ҳокими ўринбосари Р.Раҳмоновлар иштирок эттиди. Учрашувнинг ўзига хос томони шу бўлдики, биз одатланиб қолганимиз - ютуқларимизни кўз-кўз қиладиган узундан-узун маърузалар бўлмасдан, тўғридан-тўғри савол-жавобларга ўтилд.

Фуқароларни қандай муаммолар қийнапти? Уларнинг қандай шикоят, таклиф ва фикрлари бор?

Учрашувни олиб борган туман прокурори ёрдамчиси К.Ғуломовнинг ушбу мунозаатига жавобан моҳлис аҳли ўзларини қизиқтирган масалаларни бир-бир ўртага ташлади.

«Мустақиллик» маҳалла қўмитаси раиси Ҳамидов:

«Маҳалламизда кейинги пайтларда ўғриллик, ичкиликбозлик, безорилик кўпайиб кетди. Фуқаролардан тушган 8 та шикоятни ИИБ ходими Қ.Ҳотамов қабул қилмади. Ўзинглар ўғри, безорилик ҳақида маълумотлар йиғиб, уларни тутиб олиб келинган», деди. Биз бажонидий орган ходимларига ёрдам берамиз. Лекин, уларнинг лоқайдлик билан жиянатчини тутиб келинганлар, дейишгача бориши бизни тасажжубга солади. Шу тўғрими?

Ушбу саволга жавоб берган туман ИИБ бошлиғи муовини аризаларни қабул қилмаган ходимга чора кўришни воъда берди. Участка нозирини Моъмур Бозорбоевнинг ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашиши, хизмат жойида ўтирмаслигидан шикоятчилар уни топиб бўлмаслиғи ҳақида кўнглик гапирди.

Ўқаридоғилардан маълум бўлдики, туман ИИБ нинг фаолияти анча суст. Ҳақиқатдан ҳам, маҳкамасдан топиб бўлмайдиган участка нозирини, аризаларни қабул қилмасдан ўз вазифасини бошқаларга юклатмоқ бўлган орган ходимларининг фаолиятига яна қандай баҳо бермоқ керак?

Фуқаролар маҳаллаларда ҳар қадамда спиртли ичимликлар сотиладиган дўконлар оғиб, ичкиликбозликнинг авж олишига қўлай шикоят яратиб бераётганлардан шикоят қилиши.

Туман солиқ инспекциясининг бошлиғи Латипов:

Тошкент шаҳар ҳокимининг 1 апрелдан қучга кирган қарорига мувофиқ савдо, хизмат кўрсатиш ва ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти томонидан савдо ҳамда спиртли ичимликлар ва пиво сотиш ҳуқуқини берувчи рўхсатномалар бериш тартибини қўйта кўриб чиқиш белгиланган. Бундан ташқари, ушбу қарорга қўра, рўхсатсиз қўрилган барча дўконлар фаолияти тўхтатилади ҳамда маҳсул рўхсатномага эга бўлганлари фаолияти эса соат 24.00 гача, деб белгиланган.

Аҳолиси 10140 кишидан иборат «Машинасозлар» маҳалласи аҳлини ташвишга солаётган масалалар ҳам ўта долзарбдир.

Завод ишчилари дам оладиган маданият саройида тангача базмларни давом эттироётган «тунги клуб»ларнинг фаолияти ёшларимиз тарбиясига ўта салбий таъсир кўрсатамоқда. Шу тўғрйли уруш-жанжаллар кўпайиб, ичкилик авж оляпти. Ушбу клублар фаолиятини тўхтатишнинг иложи борми? - дея савол берди маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Мусурмонова. - Бундан ташқари, маҳалламизда фаолият кўрсатаётган базорда уч ойдан бери ёритиш мосламалари ишламайди. Бозор ҳудуди ахлатхонага айланган. Бундай ҳолатларга масъул кишилар ҳеч ҳам эътибор беришмаяпти.

Ушбу саволга жавобан шаҳар прокуратурасининг вакили А.Ҳамедов шундай деди:

«Саволингиз ўринли. Шаҳар ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ, туман ҳокимлари 1998 йил 1 апрелдан бошлаб, дискотекалар, дискоқлублар, тунги клублар ва шу тоифадаги муассасалар ҳамда шоу тўдбирлари ўтказиладиган рестороанларнинг иш вақтларини кечки соат 24.00 га қадар чеклашлари керак. Завод ишчилари дам оладиган маданият саройи қорхонага қарашли бўлганлиги учун туман ҳокимлиғи улар билан келишиб, бу масалани ижобий ҳал қилиши лозим.

Базордаги ҳолатлар ҳақида эса, биз туман ҳокимлиғи мутассаддиларидан жавоб кутамиз. Шу ва шунга ўхшаш ҳолатлар яъни аҳоли яшайдиган кўп қаватли бинолар олдидоги болалар ўйнайдиган майдончаларга рўхсатсиз гаражлар қурилиши, уй-жойдан фойдаланиш ва аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш идоралари фаолиятидаги сусткашликлар каби нуқсонлар кўп эканлиғи маълум бўлди.

Мазкур камчиликлар учрашувдан кейин, албатта, туман ҳокимлиғи томонидан бартараф этилоди, деган умиддамиз.

Учрашувда фуқаролар томонидан кўтирилган муаммолар, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар туман ҳокимлиғи, солиқ инспекцияси мутассаддилари, ИИБ ва прокуратура органлари...ни бафарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Ушбу муаммолар ҳам эътилоғли ҳақидаги хабарларни эса, газетамиз саҳифаларида эълон қилиб борамиз.

М.БОЛЛЕВА.

Муҳокама



Збекистон Республикасининг Ер кодекси, ҳамда «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)

тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳалари муҳокамаси жараёнида ҳар бир фўқарода ўз фикрини билдириш истаги туғилади.

Тўғриси айтганда, ер ва ундан фойдаланиш муаммоси бизни анча вақтдан бери қийнаб келади. Зорбдор туманида юз бераётган қонунбузарликларнинг илдири кўпича шу масалага бориб тақалади. Чунки, Зорбдор тумани Жиззах дашти бағридан ўзлаштирилган ерлар заминиде ташкил этилган. Экинзорларнинг ялли майдони 28,5 минг гектардан иборат.

Сўғориладиган ерде дехқончилик қиладиган дастлабки хўжаликларнинг иш бошлаганига салкам йигирма беш йил бўлапти. Бу майдонлар қандай ўзлаштирилган, эгаларига қандай топширилган, сўғориш тармоқлари, сизот сувларини қочирини қурилмалари қай ҳолатда қабул қилинган, деган саволларга бугун жавоб бериш қийин. Асосий ҳол шундаки, ўзлаштириш ва фойдаланиш босида кейинги йиллардаги масъулиятсизлик, хўжасизлик туфайли туманининг асосий ер майдонлари шўрланиб, ўт босиб, ишдан чиқа бошлады. Бугунги кунда 317 километр масофадаги тик ва ётиқ дренаж қурилмала-

ЕР ЭГАСИНИ ТОПМАСА...

Шу кунларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ҳужжатларининг лойиҳалари қизғин ўқиб ўрганилмоқда, муҳокама этилмоқда, фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Муҳокама ва мунозараларнинг замирида эса - «Бу қонун лойиҳалари қимнинг манфаатини ҳимоя қилади ва қимга хизмат қилади?» деган умидбахш савол мужжасам.

рининг ишласлиги натижасида 14 минг гектардан ортиқ майдонни қучли, ўртача ва қучсиз шўрланган, ўт босган ерлар ташкил этади.

Агар Ўзбекистон шароитида сўғориладиган ерларнинг бебаҳо ҳазина эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу катта йўқотиш. Ҳатто, ҳиноят.

Умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган қонунлар лойиҳаларида энг оғвоқло, кооператив (ширкат) хўжаликларини, фермер ва дехқон хўжаликларини қандай ташкил этиш эмас, балки, энг қимматли бойлигимиз - Ернинг эгаллигини қимнинг қўлига топшириш масаласи ўзининг аниқ ифодасини топган.

Шу пайтгача ҳам ер эгасиз қолган эмас, ширкат, ижара-ширкат, жамоа хўжаликлари дехқончилик қилиб келган эдику. Ушбу қонун лойиҳалари қабул қилинса, моҳиятан нима ўзгаради?

Жуда кўп нарса ўзгаради. Чунки, шу пайтгача ерлар сирдан қоранганда эғали, аслида эгасиз эди. Ширкат, ижара-ширкат, жамоа хўжаликларида ер раҳбарларнинг тасарруфида эди. Ундмдор ерларни шахсий томорқа сифатида улашиш,

ўзларига яқин одамларга дехқон-фермер хўжалиги юрийтиш учун ажратиш, ҳатто, четдан келган «хариidor»ларга енгил-елпи шартнома асосида пуллаш ҳоллари ҳам ажабланарли ҳодиса эмади. Давлат буюртмаси бўйича экиладиган экинлар - пахта, дон ва бошқа маҳсулотлар учун эса ўт босган, шўр ва камхосил ерлар ажратилди. Оқибатда ҳосилдорлик пасаида, иқтисодий қашшоқлик қучайди. Туманимизда ўтган йили ишчилорга томорқа сифатида 148 гектар ер ортиқча равишда тарқатилиб, 454 минг сўмлик зарар етказилган. Натижада 27 та давьо ариза-сиз қўзғатилиб, етказилган зарар айбдорлардан ундириб олинди.

Муҳокамадаги Республика «Ер кодекси» лойиҳасига кўра, ерлар эндиликда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг пай жамғармасини, - асосий бойлигини ва мулкни ташкил этади. Бу ерлар бир ёки иккита раҳбарнинг эмас, балки, пай усулида бирлашган, оила пудрати асосида меҳнат қиладиган жамоанинг тасарруфидаги ва назоратидаги мулк бўлади.

Энг муҳими, қишлоқ хўжалиги кооперативи /ширкат хўжалиги/ қишлоқ шароитида демократияни чуқурлаштириш ва умумхалқ назоратини қучайтиришнинг қонуний асосини белгилаб беради.

Эндиликда ҳар гектар ер, ҳар

килограмм уруғлик, маъданли ўғит, ёнилли-мойлаш ашёлари, ҳар бир техника воситасидан фойдаланиш жараёнида бутун жамоанинг манфаати, натижада, иш унмдорлигининг, ҳосилдорлигининг ошишига замин яратилади.

Янги қонун лойиҳалари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, истеъмол бозорини сифатли ва харидорлиг ноз-неъматлар билан тўлдиришда фермер ва дехқон хўжалиklarининг аҳамиятини инкор этвётгани, қамойтираётгани йўқ. Аксинча, янги имкониятлар очиб берапти.

Бирок, ер тўғрисидаги амалдаги қонуннинг номукамаллиги натижасида дехқон-фермер хўжалиklarини ташкил этишда анчалгина хатоликлар юз берди. Аввало, дехқон ва фермер хўжалиги тушунчалари нотўғри талқин этилди. Чорвачилик билан шугулланган шахсий хўжаликлар фермер, дехқончилик билан шугуллангани дехқон хўжалиги, деб аталади. Ер ажратишда эса яна иккаласи ара-лаштириб юборилди. Натижада шахсий хўжалик ўз-ўзидан кўп тармоқли хўжаликка айланади. Бир киши пахта етиштиради, дон етиштиради, савзавотчилик билан шугулланади, гўшт-сут тайёрлайди. Аслида эса бунинг тагида катта кўз бўямачилик бор. Дехқон-фермер хўжалигини ташкил этган оила

аззолари, қариндош-уруғларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмади, асосий иш жойи бошқа, кўп ишда ишловчилар, ёлланма ишчилар ёки рўйхатга азсз сифатида киритилган вояга етмаган болалардан иборат. Юз гектарлаб ҳосилдор ерни эгаллар фермер ёлланма ишчиларни жалб қилиш учун катта-катта томорқалар беради. Кейин турли найранглр билан тайёрлов ташкилати ва корхоналари билан тузилган шартномалар бажарилади, қалбаки ҳисоботлар тақдим этилади...

Туманда 234 та дехқон-фермер хўжалигининг ҳоммаси шу йўл билан тирикчилик қилапти, деган фикрдан йироқман. Аксинча дехқон-фермер хўжаликлари ўз бурчини сидқиқилдан бажараяпти. Пахтадан, галладан яхши ҳосил олапти. Гўшт, сут топшираяпти.

Лекин, режани қоғозда бажаряётгани, ўзларига ажратилган ер умрини беҳуда ўтқа-заётгани, ҳатто, нотўғри фойдаланиб, ишдан қираётганлари ҳам бор. Янги қабул қилинажак қонунлар мана шу қусурларга барҳам беради. Фермернинг ҳар қачин ер учун масъулиятини оширади.

Айниқса, фермер ва дехқон хўжалиklarининг бир-бирдан ажратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Эндиликда шахсий томорқа учун ер олодиган қамортларини ўзларига ажратилган майдонларга феарқ қарайдиган шахсларга эмас, балки, мулк эгасига, унинг бевосита жавобгарига айланадилар.

Энг асосийси, мамлакатимиз фуқаролари ўз ризқ-рўзларини етиштирадиган қонуний ерликларини, ерлар эса қонуний эгаларини топади.

Бахтиёр РИЗАЕВ.

Истиқлол чечаклари

ЎЗГАРАЁТГАН ФИКР

Мамлакатимиз мустақилликка эришганида тўққиз ёшли болақай эдим. Мустақиллик сўзини илк бор эшитиб, отамдан унинг маъносини сўрадим. - Бу кийган кийимингдан тортиб, мана шу тупроққача ўзингники дегани оддий қилиб айтсам, яна аниқроғи эса ўзинги ўзинг бўлиб кўрсата олишинг дегани, - дедилар отам ва қўшиб қўйдилар. - Шу кунларга етказганига шукур.

Ушнда отамнинг гапларини унчалик тушунмасам-да, барибир, мустақиллик дегани катта бир қуч эканлигини бола-қалбим билан ҳис қилганман. Кейинчалик, дорсларда ўтганларимизни уйга келиб айтиб берсам, акаларим ҳавас билан «Сенга мазза, ўз тарихимиз, ўз адабиётимизни, ўзимизнинг олимлар ёзган дарсликларни ўқияпсан», деб қўядиган бўлишди. Вақт ўтиб, ёшим улғайгани сайин уларнинг гаплари маъносини англаб етавердим.

- Мустақиллик қадрига ҳаммамиз етишимиз керак, айниқса, мустақилка нималигини билмаган сизлар - болалар, - дейди отам. Уларнинг Собик империя ҳақидаги ҳикояларини тингларканман, кўнглимда ҳуқуқшунос бўлиш ораси пайдо бўлди. Негаки, ҳуқуқини, ҳуқуқни билган одам ўзини ҳимоя қила олади, ўзини ҳимоя қила олган одам оиласини, миллатини ва ватанини ҳимоя қила билади.

Ҳозир Юнусобод туманининг 19-мавзесида жойлашган Чўлпон номи 258-мактаб қошидаги юридик лицейда таҳсил олаяман. Лицейимизда республикамизнинг турли вилоятларидан таширф буюрган илмга чанқоқ ёшлар таҳсил олмақдалар. Илм олиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Мақтабимиз директори Мақсад опа Қўзйибоева ва юридик лицейимиз раҳбари Холмурод Назаровлар тез-тез биз билан суҳбатлар ўтказиб турадилар.

- Сизлар буюк келажак ворислари ва ҳимоячиларисизлар, шунга муносиб бўлишларингиз керак, - дейишди улар.

Биз Мақсуда Атахонова, Марҳамат Маҳманазарова, Иқбол Нуридинова, Холида Исмоилова, Фарида Шарипова, Муқаддас Файзиёва, Тўрабек Норбоев, Гулистон Ибрагимова, Жамила Рихсиева, Мавлуذا Охунова каби устозларимиз таълими, тарбияси, ўғитлари кўмагида буюк келажакка муносиб ворис бўлиш учун астойдил тайёрларлик кўрмоқдамиз. Устозларимиз биздан билимларини аямаяптилар.

Устозларимиз фақат дарс ўтиш билан чекланиб қолмасдан, турли кечалар, олим ва ҳуқуқшунослар билан учрашувлар ва бошқа кўнлаб тадбирлар ташкил қиладилар. Булар бизнинг шууримиздаги Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат, демократик муносабат тушунчаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Дейлик яқинда, тумандаги 21-мактабнинг юридик синфларида таҳсил олаётган ўқувчилар билан «Сиз қонунни биласизми?» деган мавзуда беллашиб, голиб чиқдик. Бу устозларимизнинг меҳри ва муҳаббати туфайли юзага чиқди. Биз улар ишончини ва таълимини оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

**Бектош АЛИМОВ,
юридик лицей
ўқувчиси.**

Қадрият

Наврўз - меҳр-муруват, эзулик айёми. Зеро, халқимизда муҳтожларга ёрдам бериш, меҳр-муруват кўрсатиш қадимдан урф-одат тусига кирган. Шаҳримиздаги фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш «Нуруний» жамғармаси фаолияти ҳам худди шу мақсадга йўналтирилгандир. Мухбиримиз М.Боллиева жамғарма раиси Мухаммадjon Зуфаров билан шу ҳусусда мулоқотда бўлди.

- Халқ учун, ватан учун жанглорда қон кечиб хизмат қилган, юртимизнинг равнақи йўлида бор қуч-ғайратини сарфлаган, эндиликда эса, ёрдамга муҳтож бўлиб турган фахрийларимизга мадад бўлишдан ҳам улғурок савоб иш бўлмас керак, - дея гап бошлады М.Зуфаров.

- Шаҳримизда жамғармага қарашли 1260 та жамоатчи марказлар ишлаб турибди. Улар ёрдами-

ми орасида ватанга хизмат қилишдан бош тортиш ҳолати учраб турибди. Шунинг олдини олиш мақсадида, кекса ҳарбийларимиз, турли соҳада хизмат кўрсатган фахрийларимиз мудофаа бўлимолига бориб, хизматга шайланмаётган йигитларга ватанга, халққа меҳр-муҳаббат, содақат билан хизмат қилиш, ватанини қўриқлаш йигитларнинг асосий бурчи эканлиги ҳақида насихатлар бериб, улари оқ фотиҳа билан хизматга кузатмоқдалар. Қари билганини пари билмас, деганларидек, нурунийларимизнинг панд-насихатлари, армия хизматида бел болаган ёшларимизни янада саботлироқ ва матонатлироқ бўлишга чорламоқда.

- Сунги пайтларда сизларни қийнаётган муаммолар нималардан иборат?

- Бизнинг асосий мақсадимиз ёрдамга муҳтож

САВОБ ИШГА БОШ ҚЎШИНИГ

да шаҳримиздаги фахрийларнинг сони, улар қандай ёрдамга муҳтож эканлигини ўрганиш мақсадида рейд ўтказилди. Шу рейд натижасида аниқланган маълумотларга асосан, фахрийларга керакли ёрдамни ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Ўтган йили ноғиронлар 757 та аравача, 1200 дан ортиқ эшитиш мосламалари тарқатилди. 1998 йил 2 ой ичида 11 та аравача 32 та эшитиш мосламаси муҳтожларга етказиб берилди. Шу билан биргаликда, 52 минг сўм моддий ёрдам ҳам ажратилди. Ҳозирги пайтда 2 мингга яқин фахрийлар даволанаётган шифо масканига эса 30 минг сўм пул ўтказилди.

Наврўз - умумхалқ байрамида фахрийларимизнинг кўнглини шод қилиш асосий мақсадимиздир. Бу борада ноғиронларга 5 та аравача, 11 та эшитиш мосламаси ҳамда 1200 та уйда ётиб қолган ноғиронларга моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари, барча жамоатчилик марказларида фахрийларимиз учун ош ва ҳалим тарқатилди.

Яқинда жамғармаимиз фаоллари бир савоб ишни бошладилар. Маълумки, сунги пайтларда ёшлари-

фахрийларимизга, ноғиронларга ўз вақтида ёрдам бераск, деймиз. Афсуски, жамғармаимиз фондида маблағ қамлиги туфайли етарлича ёрдам беролма-япти. Халқимизнинг энг ордоқлардан ўзинга хос жиҳатларидан бири меҳр-муруват қўратиш, муҳтожларга ёрдам беришдир. Жамғармаимиз фаолиятининг янада самаралироқ бўлиши учун ҳомий ташкилотлар керак. Бизга шу пайтгача ёрдам бериб келаётган Ровшан Абдулмуомин бошчилиқ қилаётган 7-кўприққурилиш трести жамоасига, Генрих Оғонес-ян бошчилиқ қилаётган «Дарбат» хиссадорлик жа-мииятига шаҳримиздаги барча фахрийлар номидан миннатдорчилигимизни билдираимиз.

Халқимиз орасида ёрдамга муҳтож фахрийлар, ноғиронлар бор экан, албатта, биз уларга ҳомийлик қилмоғимиз ва шу орқали савоб ишга бош қўшмоғимиз ҳам қарз ҳам фарздор. Ўйлаيمانки, юртимизда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилотлар раҳбарлари ва соҳаватли фуқаролар фахрийлар ва ветеранларни ижтимоий ҳимоя қилиш «Нуруний» жамғармасига бу хайрли ишларни амалга оширишда мадад берадилар.

Халқимизда ажайиб бир мақол бор. «Олтин олма, дуо ол», деган. Дарҳақиқат, ёрдамга муҳтож қария-ларимизга ва ноғиронларга мадад бериш ўта савоб ишидир.

Нуктаи-назар

Самарқанддаги Алишер Навоий номли Давлат Университетининг филология факультетида бўлишга тўғри келди. Эшикдан кириб, зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилар эканман, димоғимга тамакининг аччиқ ҳиди ўрилди. Иккинчи қаватда бемалол тамаки чекаётган йигитларни кўриб, ҳафсалам пир бўлди. Бўлажақ ўқитувчилар буркитиб чекишарди. Тутун бутун йўлак бўйлаб тарқалмоқда. У билинмасдан ўқув хоналарига кириб бораёпти. Бу ерда дарс ўтаётган довлалар ҳам талабаларнинг ноҳўя ҳаракатига бе-

дан дарда чалинганлар камаяди. Шифокорлар бошқа муаммолар устида бош қотиришга вақт топишади. Жиззахлик бир дўстим бор. Ўзи тузуккина идорада хизмат қилади. Хонасига кирсам, бир дақиқа туриш амримаҳол. У, эртадан кечгача буркитганилар буркитган. Олдидаги кулдон доимо тўла, унинг хонасини тозалайдиган Мохи хола бу ердан чиққач, ўзини темир қафасдан озод бўлгандек хис қилади. Аммо, буни кашанда ўртоғимиз асло англамайди. Яна унинг олий навли тама-

қилим билан тугади. Инсон соғлиги шундай бебаҳо бойликки, уни йўқотиш жуда осон аммо, тиклашдан ўта машаққатли юмуш йўқ. Биз беморларга чекиш ва унинг зарари тўғрисида кўп гапираримиз. Аммо, айрим ҳамкасбларим ўз сўзларига ўзлари амал қилишмайди. «Мен шифокорман-ку, уни меъёрида чекаман», қобилида иш кўришади. Аслида, бу билан бошқаларда ийончилик хиссини уйғотишга танигани асло сезишмайди. Бизнингча, стадионларда, жамоат транспорти бекатлари-

КОННИ ЗАРАР

фарқ қарашмоқда. - Бу ерда чекиш мумкин эмаслигини билмайсизларми? - дея мурожаат қиламан йигитлардан бирига. - Қаерда ёзилган бу ҳақда? - дейди у тажонглик билан. - Ёзилиши шартми? Қолаверса, хонада чекиш одобданми? Йигитча бундан бир-ёз ўнгайсизланиб, ўзини четга олди. Қолганлар бўлса, суҳбатимизни эшитиб туришган бўлишса ҳам ўзларини бепарво туттишарди. Биз ҳозирча чекишнинг зарари ҳақида кўп гапираримиз. Кимдир болки шунча ҳаракат, етар, айни дамда рухсат этилган одатдан кўра, ман қилингани кўпроқ, деб нолиб қолишса ажаб эмас. Наҳотки, она шундайлар тамаки тутатиш билан ўзлари тугул хатто, атрофдагиларнинг ҳам соғлиғига зимдан болта ураётганлигини билишмаса? Чекишга қарши кураш бошлашга ҳозирлик кўрилоётганини эшитиб, бунга ашаддий кашандларнинг эътироз билдириши кўз олдимга келади. Тўғри, агар бундай ҳаракат бошланса, уларга қийин бўлиши турган гап. Аммо, бундан фойда бисёр бўлиши табиий. Чунки, ҳавомиз тоза ва мусоффо бўлади. Касалхоналарда тамаки зарари-

кага ружу қўйгани кишини таажжубга солади. Бўлагини тан олмайди, бошқасини тутатса, томоғи қичишармиш. Шу боис қаерда бўлса, шу зоримандани толади. Ундан ажралиб қолса, боши гаранг, кўзи тинади. Хўш, шундай ашаддий кашанданинг иш кўни унумли бўладими? Менимча, асло! У ўз-ўзидан тамаки тутатиш билан кун ўтказиши турган гап. - Нима қилай, чекмасам тура олмайман, - дейди у бир ҳолатда. Сезиб турибман, ўзини қандай оқлашни билмайди. - Агар тутатмасам, семириб кетаман. - Унинг олдини олиш мумкин. - Қандай қилиб? - Жисмоний тарбия билан шуғулланилса, ортиқча юқдан халос бўласиз. - Э... У сўзларимга парво қилмайди. Аммо, вақт борлигида бу тақлифни ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди. - Чекувчиларга кўзим тушса, - дейди тиббиёт фанлари доктори профессор Зиёдулла Саъдуллаев, - яқинда ўпка касали туфайли барвақт оламдан кўз юмган ёш йигитни эслайман. У олдин қалта-қалта йўталиб юрди. Охири бўлмалар, қон туфлади. Тамакига ружу қўйиши

да, автомат телефон хоналарида чекишни ман қилиш вақти келди. Айниқса, касалхона, санаторийларда чекишни тақиқлаш зарур. Уруглик танишимиз боласини кўрсатгани Тошкент тиббиёт институти шифохонасига олиб келиб қолди. Гўдакнинг рангида ранг йўқ. - Шу ўғилчани тузатмасак бўлмайди, - дейди у бир ҳолатда. Аммо, унга шу пайтгача қаёққа қарагандингиз, дейдиган азамат топилмади. Тамаки экиб, унинг баргини болачақаси билан илға теранича мўмай даромад қилиб, жаражорақ пулларни саноб олаётганида наҳотки, боласи кўзига кўринмади экан? Унинг соғлиги тўғрисида ўшанда қайғуриш керак эди. Энди эса... Тамаки ишлаб чиқаришни тўхтатиш, уни сотишдан олиб қўйиш мумкин. Аммо, бу билан иш битмайди-да! Бундан фойда кўриш ўрнига зарарли ҳолатларга рўпара бўлиши ҳеч қанча эмас. Аммо, бу хатти-ҳаракатимиз зарарини ҳар биримиз тўғри англаб, чекишни бутунлай ташлашга аҳд қилсаккина, қўзлаган мақсадга хизмат қила оламиз. **И. УСМОНОВ.**

Юридик маслаҳатхона

ҲУҚУҚДАН САБОҚЛАР

Ҳимоячидан воз кечиш мумкинми?
З. УБАЙДУЛЛАЕВ, Зағиота тумани.
Ҳа. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 52-моддасига кўра гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритиладиган даврда исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечиш фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суруштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адоват тақлиф этиш орқали таъминланадиган реал томонлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Бунда адвокат ҳимоядан воз кечганлигини тасдиқлайди.

Васиятноманинг сир сақланиши деганда нима тушунилади?
З. ПАРПИЕВ, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани.
Ўзбекистон Республикаси «Нотариус тўғрисида»ги Қонуннинг 128-моддасига мувофиқ нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек, васият қилувчининг ўрнига васиятноманинг унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Демак, қонунга кўра ушбу ҳужжат белгиланган муддатгача сир сақланиши шарт.

Мен ўзим ишлаётган ҳиссадорлик жамиятидан 30 та акция сотиб олган эдим. Агар зарурат туғулиб қолса, уларни сотишим мумкинми?
М. НИЗОМОВ, Самарқанд шаҳри.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига биноан эгаси ёзилган акциялар бошқа шахсга мулк бўлиб ўтиши /сотиб олиниши, ҳадя қилиниши, мерос бўлиб ўтиши ва шу қабилор/ мумкин. Бундай возиятда акция эгасининг ўзгарганини қайд этувчи орган уни янги эгасининг номига ўтказади.

Мен тасофифан бир можароли воқеага гувоҳ бўлиб қолдим. Терговчи икки марта чақиртирди. Зарурат бўлса яна чақиртиришни айтди. Мен бор гапни айтиб бердим-ку. Яна боришим шартми?
А. ИСЛОМОВ, Янгийўл шаҳри.

Ҳа, шарт. Қонунга кўра гувоҳ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан белгиланган вақтда ҳозир бўлиши лозим. Шунингдек, иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши, берилган саволларга жавоб қайтариши, иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўроқ қилувчининг руҳсатисиз ошкор этмаслиги ҳамда ишнинг тергов ва суд можалиси вақтида белгиланган тартибга риоя этиш шарт. Мабодо, узрли сабаб бўлса /хизмат сафари, оғир касаллик, ва ҳоказо/ маълум муддат ундан бу мажбурият соқит қилинади. Шунга алоҳида таъкидлаш лозимки, гувоҳ кўрсатма беришдан онгли ровишда бош тортса ёки била туриб ёлғон кўрсатма берса қонунда белгиланган тарзда жавобгарликка тортилади.

Ишончнома нотариус томонидан тасдиқланиши шартми?
О. АБДУРАҲМОНОВ, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига белгиланган бўлишига қарамай, /135-модда/ ишончнома оддий ёзма шаклда ва нотариал шаклда расмийлаштирилади. Нотариал шакли талаб қилувчи битимларни тузиш ёки юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши зарур. Бошқа ҳолатларда, масалан, даволаш муассасаларида даволанаётганлар, хизмат ўтаётган ҳарбийлар шу муассасалар раҳбарлари, даволовчи ва навбатчи врачлар, ҳарбий кимс командирлари, ҳарбий ўқув юртлари бошлиқлари тасдиқлаган ишончномалар ҳам нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ҳисобланади. Хат-хабарлар, пул ва посилкаларни, иш ҳақини ва бошқа тўловларни олиш учун бериладиган ишончномаларни воқалот берувчи ишлайдиган корхона, таълим олаётган ўқув юрти, яшаш жойдаги тегишли идоралар тасдиқлаб бериши ҳам мумкин.

Мен ветеринария фельдшери дипломига эгаман. Муस्ताқил равишда хусусий иш билан шуғулланишим мумкинми?
А. САИДМУРОВОВ, Хоразм вилояти.

Агар белгиланган тартибда берилган тегишли рухсатнома (лицензияга) эга бўлсангиз шуғулланишингиз мумкин. Бироқ «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ ушбу ишни ветеринария врачлари назорати остидагина амалга оширишга ҳақлисиз. Қонунга кўра фақат олий маълумотли ветеринария врачларигина муस्ताқил фаолият юритишлари мумкин.

Жавобларни ҳуқуқшунос **Дониёр ХАЛИЛОВ** тайёрлаган.

- Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жинойатчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш иши бизнинг бош мақсадимизга айланган, - дейди Боғот туман прокурори Жуманазар Отаназаров.



Сураатда: прокурор қабулда.

Наср

Томмазо ЛАНДОЛФИ,
(Италия)

ЁЛЛАНГАН ҚОТИЛ

(Ҳикоя)

- Унда қайси шамол бу ёқларга учириб келди?...
- Ҳа, ушунга ҳам билмайман: феълдан галатирокми, ким билсин, балки сизнинг бахтиёр чехрангизни бир кўргим келди...

- Биласизми, ишининг мана шу томони ҳузурли-да. Одамни ўлдириш, айниқса, ўлимни орзу қилганларни тинчатиш - хайр-саховат қилгандай бир гап.
- Ким сизга мени бахтли деб айтди! - норозилик билдирди Т.
- Сизни кутавериб кўзим тешилади-ку охир, мана...

- Наҳотки, - ўсмақчилади қотил. - Азиги икки-уч ой олдин ялиниб-ёлвориб мени лафздан қайтишга, пора тикиб, ўлдириш ҳуқуқимдан мени маҳрум қилмоқчи бўлдингиз...
- Нима ҳам дердим! Ундан бери қанча сувлар оқиб кетди, энди ҳаммасидан юз ўтирдим, ҳаёт ўзи менга терс, мовҳум, мантқиқсиз, чидаб бўлмайдиган даражада - бу ҳаёт эмас, дарёни бўйга ётган бир уюм харсанг. Хуллас, мен бугун, ҳозирок жонимни олишингизни илтимос қиламан. Бўлинг, қимирланг.

- У, биродар, ўзингизни бошинг ўтган куни ўлгингиз келган эди, кеча яшагингиз кеп қолди, бугун яна ўлишни истайсиз... Тушунмай қолдим!
- Бирок, сизнинг ишингиз мени ўлдириш, бошқасини қўяверинг, ҳақини олгандан кейин ишни бажаринг-да! Бўлинг, бўла қолинг, эшитаяп-сизми?

- Тўғри, талабингиз тўғри. Бирок, қизик-да энди: яна икки-уч ой ўтиб-ўтмай ҳозиргидай ёлвориб ўтирмайсизми, яшагингиз кеп қолмайдими?
- Қанақа безбетиш! Балки шундай ҳам бўлар. Бирок яшаш иштиёқи бари бир ўлим хоҳиши билан алмашинди... Бу демак... Сиз мени тушунапсизми? Ҳаёт ўлимни тан олмаган пайтдагина моҳият касб этади, аксинча, булар ҳаммаси чўпчак.

- Ҳа, энди бундай нуқта назардан қараганда, албатта...
- Хуллас, менинча, истиснога ҳожаат йўқ.

- Тагин бахтли бўлиб кетишингизга истисно тариксида қараяпсизми? Ишонч билан айтманки, сиз ноҳақсиз. Хайр, кўришгунча.

Шундай деб қотил ғойиб бўлди.
Ҳақиқатан ҳам тез орада жаноб Т.нинг ишлари тагин юришиб кетди. Албатта, ишқу муҳаббат бадида эмас, бу гап пул масаласида бахти чопди, сабил пул деганлари маълум маънода севги-муҳаббат ўрнини босишга қодир матоҳ-да!

Бир куни эрталаб кўчада сандирақлаб юриб, жаноб Т.
(Бошланғичи ўтган сонларда).

биржа биноси олдига бориб қолди. «Қизик, нечун бу биржа биноси нуқул баланд устунли, маҳобатли бўлади-а, биржами ё қасри олий, билмайсан киши (аслида биржанинг қасрдан қаери кам). Аммо, мана бу бинога гап йўқ, устунлариям нақд икки минг йиллик!» Жаноб Т. биржа бўсағасидан ҳатлаб ичкарига кираркан, хаёлидан фақат шу ўй кечди, холос, бошқа ҳеч нимани ўйлагани йўқ; уни бу ерга бирор-бир амалий иш эмас, балки шунчаки қизиқувчанлик етказиб келган эди: у ҳатто (бир пайтлар аллақандай даллалнинг ихтиёрига топширилган ва қисқа вақтда баҳоси сув текинга айланган) анчагина Н. акциясига эгаллигини ҳам хотирга келтиргани йўқ.

Ичкари тирбанд эди, ит эгасини танимойди, олововур, оломоннинг устидаги таблода акциялар қийматининг кўтарилиб, тушиб тургани ҳар доқиқада қайд қилиб турилибди. Жаноб Т. гарчи иқтисод масаласида нўноқроқ бўлса-да, таблога бир қараб қўйди ва шу нафас ўзини кимдир зимдан қузатаётганини пайқайди. У ортига ўтирилди: ёнгинасида қора кийим кийган бир кимса қаққайиб турар ва жаноб Т.нинг нигоҳи қаёққа қароётганини илғашга уринарди.

- Галати-а, тўғрими?
- Ҳечам. Мен, шунчаки бе-корчиликдан.

- Бирок янглишмасам, сиз таблодаги Н.га тикилиб қарадингиз?

- Н. дейсизми? - овоз чиқариб тикторлади Т. ва ўзининг гарчи қиймати бир пул бўлса-да, акцияси борлигини, акцияси таблодаги руйхатда қайд этилаётганини англаб қолди.

- Демак, акциянгиз бор, тўғрими? - тиргалди қора кийимли нуска, офтидан у товламачига ўхшаб кетарди.

- Ҳа, озроқ бор, бирок ундан сариқ чоқалик наф йўқ!

- Ноўғри ўйлаясиз, - пичирлади қора кийимли. - Шу бугун Н. акцияси анча ўсади, бир неча пункт юқорига кўтарилди. Бизам, акиси, қирриқларданмиз, гапимизга эгалик қила оламиз, қолаверса, тепадаги ишларданам хабаримиз бор.

Т.га барибир эди, у тепадан на яхшилик ва на ёмонлик кутарди, бирок қўзғир вазиятнинг қулайлигини тўғри баҳолай олди ва ишонқирамай сўради:

- Сиз мендан Н. акциясини сотиб олишни хоҳлармидингиз? (Т. шўрлик қачондан бери бу даҳмаза қоғозлардан қутулишни орзу қиларди!)

- Ҳозирок, шу ернинг ўзида оламани! Қанчалигидан қатъи назор - миллионга бўлсам!
- Менда бунча акция йўқ.

- Қанча бор?
- Икки мингча чиқар.
- Оломан.

- Нақд пулгами? - мингирлади Т., ўзининг дадиллашганидан юраги увишиб.

Қора кийимли шимининг орқа чўнтагидан чек дафтрасини сўғуриб олиб, ҳавода силкитиб деди:

- Шошманг. Олдин сиз баҳосини айтинг, қанча?

У ақлни шошириб қўядиган рақамни айтди... Энди фақат биржадаги даллални топиб, акцияларни олиш лозим эди, ва-саллом. Шундай қилиб, иш пишди.

Ана энди жаноб Т. нима бўлаётганини ҳали фаҳмлаб улгурмай, боз устига, арзимас акциясининг нархи бир сакраб том баравар ошиб кетганини сирини нимадалигини тушунмай туриб, кўз очиб юмгунча бир қоп пулнинг тагида қолдики, бундайин хушбахт, бундайин кўтаринки ҳолатни изоҳлаш ва одам боласининг шундай лоҳза-ларда кўзи қақноб, яшаша иштиёқи беҳад ошиб-тошиб кетишини айтиб ўтириш ортиқча, деб ўйлаймиз.

Зеро, йўқдан дунё топиб турганда ўлишни, ўлимни орзу қилиш гирт аҳмоқликки, соядай таъкиб этиб юрган қотилчи ҳам бунча пул билан қайта сотиб олсам, лафзидан қайтарсам бўлаверди... «Бирок, осон бўлмас-ов», дея хаёлан иккиланди Т.


Хуллас, жаноб Т.нинг боши осмонда, оёғи ер искамойди, аммо бу қадор сурурли кайфиятнинг охири кўпинча бахайр бўлмаслигини у ҳозир хаёлига келтирмади. Чунки, Т.га бойлик осмондан тушди гўё, қолаверса, акцияларнинг нархи туйқусдан беҳад ошиб кетгани Т.нинг ақлини шошириб, ҳовлиқтириб қўйдикки, у олди-сотди ишларга ўқви йўқлигини ҳам унутиб, акциябозликка берилиб кетди.

Илонга оворлангандай, жаноб Т. акциялар қийматининг гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб кетишига фарқ бўлиб, бу сирли ўйиннинг вазосасига ўчиб, кунларнинг бирида бору будидан ажраб, боз-боғиядга мулла мирқувақа айланди-қолди.

Бир қоп пул шамолга соврили-кетди! Шунчакам ҳам бўларканда! Мана, у яна ноумид, дардига ҳамдард йўқ, гам-аламда қовурилиб, ёлғиз ўзи мўридай шўлпайиб ўтирибди... «Яхшиям, бир йиллик муҳлат поёнига етиб қолди, - ўзига хаёлан далда берарди жаноб Т., - қотил алдамойди, у сўзида турадиган йигитлардан».

Аҳмад ОТАБОВ
таржимаси.

(Давоми бор).



- Қаранг, турналар пастлаб учиняпти!
- Халқимиз турналар пастлаб учса, тўжин-сочинлик, арзончилик бўлади, дейди. Бу яхшилик аломати. Юртимизда худо хоҳласа арзончилик бўлади!
- Илоҳим айтганингиз келсин!

Р.ШАРИПОВ фотозаҳди.

Футбол

ЧЕМПИОНГА ХОС
БЎЛМАГАН ҲАМ

Ўзбекистон VII миллий чемпионатининг 5-турида энг йирик ҳисоб «Сурхон» - МХСК ўйинида қайд этилди. «Сурхон» жамоаси футболчилари бу учрашувда 5 : 0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Мамлакат ўтган йилги биринчилигининг чемпиони ҳозиргача ўтказилган барча учрашувларда мағлубиятга учраб, турнир жадвалида ўзига ҳос бўлмаган охириги ўринни эгаллаб турибди.

Чемпионликка асосий даъвогарлар - «Нефтчи» ва «Пахтакор» командалари эса сафарда ўйнаб, ўз ҳисоблариغا яна 3 тадан очко ёзиб қўйишди. «Нефтчи» Андижонда майдон эгаларидан 2 : 0 ҳисобида, «Пахтакор» эса Навоийда «Зарафшон»дан 1 : 0 ҳисобида устун келди.

«Темирйўлчи» жамоаси эса чемпионатдаги дастлабки ғалабани қўлга киритди. Улар «Трактор» футболчилари дарвозасига жавобсиз иккита тўл киритишди. Бу йилги мавсумни кўтаринки рўнда ўтказиб «Бухоро» командаси эса ўз майдонида «Дўстлик» жамоасини 3 : 1 ҳисобида етди. Олий лиганинг яна бир янги вакили Бекободнинг «Металлург» футболчилари иккинчи ғалабани қўлга киритишди. «Косонсой» уларга 1 : 3 ҳисобида ютқазиб қўйди. «Сўғдиёна» («Жиззах» - «Насаф») учрашуви 2 : 1 ҳисобида жазолик футболчилар фойдасига ҳал бўлди.

Кейинги турда эса «Пахтакор» - «Нефтчи» учрашуви кескин курашлар остида ўтиши кутилмоқда.

Ўқинг, қизик

АТИРГУЛ ҲИДЛАНГ

Токионинг «Касам» қурилма компанияси эндиликда одамлар ишлайдиган ҳар бир хонага компьютер орқали иқлимни мослаштириб турадиган мослама ўрнатди.

У вақтга қараб хона ҳароратини ва ҳидини ўзгартириб туради. Жумладан, эрталаб хоналарга лимоннинг муаттар бўйини таратади. Бу ҳид ишчиларга яхши кайфият боғишлайди. Тушликда атиргул ҳиди юборилади. Мутахассисларнинг фикрича, атиргул ҳиди чарчокни қолдиради.

Бир чимдим кулгу

- Ҳм, дардингиз яққол кўриб турибди, - деди врач беморнинг кўзини текшириб. - Кўзингизнинг касаллангани майли, асабингиз ҳам чатоқ экан, жигарингиз хаста, юрагингизни ёғ босибди, қон айлангани яхши эмас. Мана, буларнинг барини кўзингиз айтиб турибди. Сизга маслаҳатим шуки...

- Аввал гапимни эшитинг, доктор, - деди бемор. - Эҳтимол, бошқа кўзимни кўрасиз. Ҳозир кўрганингиз ишшали кўзим-ку.

Полициячи тезликни оширган ҳайдовчига жарима солмоқчи бўлиб турган эди, машинанинг орқа ўриндигида ўтирган хотин бирдан бобиллаб қолди.

Ул, бу кунингдан! Сенга айтмовдимми? Секин ҳайда демовдимми? Тезликни ошириб, чизқини босиб ўтдинг, дуч келган жойда сигнал чалавердинг, чорраҳаларда чироқларга қарамадинг. Айтмовдимми сенга? Қани, тилинг

кесилгур, гапир, айтмовдимми? Нера миқ этмайсан?

- Бу оёл ким? - полициячи қўлидаги қаламни ўйнатиб сўради.

- Ким бўларди, хотиним-да, - хўмройиб жавоб берди ҳайдовчи.

- Эҳ, дўстим, сенга ачинаман, - деди полициячи ҳамдардлик билан ва жарима варағини йиртиб ташлади. - Йўлдан қолма, оқ йўл! Сени худо ўзи паноҳида асра-син!

М.ДУСИЯРОВА тайёрлади.